



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юсупов Зафарбек Назарович

ИИБ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик

йўналиши тингловчиси, майор

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7941264>

ARTICLE INFO

Received: 07th May 2023

Accepted: 15th May 2023

Online: 16th May 2023

KEY WORDS

Йўл ҳаракати хавфсизлиги,
автотранспорт
воситалари, норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар,
автомобиль йўллари.

ABSTRACT

Мақолада мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қонунчилик нормаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар таҳлил қилинган.

Барчамизга маълумки республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ўсиб бормоқда. Бу барча соҳалар билан бир қаторда автомобиль транспорти ва коммуникацияларини ҳам қамраб олганини кўришимиз мумкин. Албатта, бу қувонарли ҳолат, ўзгаришлар аҳолимизнинг ижтимоий ривожланиши даражасини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда. Лекин шу билан бирга ушбу соҳада ечимини талаб қиладиган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Буларга йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишининг сезиларли даражада ортганлигини, унинг оқибатида инсонларнинг ҳаётдан кўз юмуши ёки турли даражада тан жароҳатларини олиши, автомобиль йўлларида ва шаҳар кўчаларида тирбандликларнинг юзага келиши, атроф муҳитнинг транспорт воситалари чиқарадиган газлардан ифлосланиши кабиларни келтиришимиз мумкин¹.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоси илмий тадқиқот объекти сифатида маъмурий ҳуқуқ соҳаси олимлари томонидан кенг тадқиқ қилинмоқда, шу билан бирга ушбу муаммонинг илмий талқинига оид ягона ёндашув ҳали ишлаб чиқилмаган. Айниқса йўл ҳаракати хавфсизлигини тўғридан-тўғри маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида тушуниш масаласида етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Бундан ташқари, аксарият тадқиқот муаллифлари ўтган йилларнинг ижобий тажрибасини тўлиқ ҳисобга олмай, йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчасини “йўл ҳаракати”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги”, “йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”

¹ Рашидов Ш. Йўл–транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг ижтимоий зарурати //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 31-34.



категориялари орқали изоҳламаган, бу эса муаммони ўрганишнинг яна бир долзарб жиҳатини ифода этади².

Бу муаммоларни бартараф этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш мақсадида 2022 йил 11 февраль куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тизимли муаммолар танқид қилиниб, уларнинг ечими бўйича вазифалар белгилаб берилди. Ушбу танқидий йиғилишда президентимиз томонидан куйидаги сатистик маълумотлар келтирилди. Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган. Қонун-қоидаларни менсимаслик шу даражага бориб етганки, ҳатто 13 мингдан зиёд фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасиз маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган. Аварияларнинг 20 фоизи тезликка риоя қилмаслик, 25 фоизи йўллардаги камчиликлар, 47 фоизи пиёдалар иштирокида, 10 фоизи ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, 8 фоизи қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиш, 6 фоизи велойўлак бўлмаганлиги оқибатида содир этилган.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг салмоқли қисми пиёдалар иштирокида содир этилаётганини кўришимиз мумкин. Оқибатда ўтган йили 965 нафар пиёда, шундан 263 нафар болалар вафот этган³. Шунингдек Ўзбекистонда 2022 йил уч ойида 1 469та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди, 204таси болалар иштирокида содир бўлди, 39таси ўлимга сабаб бўлди. Бу ҳақда АОКАда ЮНИСЕФ, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммолардан яна бири бу автотранспорт воситаси ҳайдовчиларининг ёшлиги ва тажрибасизлиги натижасида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг ортиб бораётганлигидир. Жумладан, автоҳалокатларнинг 75 фоизини 35 ёшгача бўлганлар содир этган.

Ҳар йили 500 минг киши ҳайдовчилик гувоҳномаси олади, лекин 25 фоизи машғулотларга қатнашмайди. Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинган. Аммо ушбу қарорларда ҳам, йўл ҳаракати қоидаларида ҳам янги ҳайдовчилар учун ҳеч қандай қўшимча талаб мавжуд эмас. Ваҳоланки, таҳлиллар аксар автоҳалокатлар айнан ёш, тажрибасиз ҳайдовчилар томонидан содир этилаётганлигини кўрсатмоқда.⁴

Бу каби муаммоларни бартараф этишнинг ягона тизимга солинган, йўл ҳаракати қоидаларини назарий ва амалий билим берувчи ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасини

² Жанабай Айтмуратов Йўл ҳаракати хавфсизлиги маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида // *carjis*. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/y-l-arakati-havfsizligi-mamuriy-u-u-iy-tartibga-solish-obekti-sifatida> (дата обращения: 16.05.2023).

³ Мирзиёев.Ш,М. раислигида “Йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари”. <https://president.uz>.-Тошкент, 2022 й.

⁴ Раҳимов К. Самарали механизмни жорий этиш – долзарб вазифа. *Qalqon / Щит*. – 3(282)-son. – 2022-yil. – 15 bet.



олиш учун топшириладиган синовларнинг холисона ва адолатли тарзда ўтказилишини таъминловчи ўқув марказларини ташкил этиш мақсадида, Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб, замонавий “Тошкент имтиҳон маркази” ташкил этилиб, назарий ва амалий имтиҳонларни тўлиқ автоматлаштирилган режимда ўтказиш ва баҳолаш тизими йўлга қўйилди.

Албатта, бу каби замонавий ўқув марказларини республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш ва имтиҳонларни холис, ҳеч ким аралашувисиз ва адолатли тарзда ўтказилишини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, йўл инфратузилмасини ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу соҳада малакали кадрларни етиштириш, йўл ҳаракатини тартибга солиш соҳасида етакчи хорижий ташкилотлар билан тажриба алмашишни ташкил этиш, халқаро стандартларнинг замонавий талабларига мос равишда автомобиль йўллари қулай ва шинам қилиш, замонавий технологиялар асосидаги бўёқдан ва бошқа сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда ўчиб кетмайдиган йўл чизиқларини тортишни тизимли олиб бориш мақсадга мувофиқ⁵.

Бу каби ишларни жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190- сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини замонавий талабларга тўлиқ мувофиқлаштириш ҳамда илмий, методик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-методик таъминлаш, йўлларда эксплуатация-монтаж фаолиятини тартибга солиш ҳамда «хавфсиз йўл» индексини юритиш амалиётини жорий этиш тўғрисида” 415-сон қарори⁶ қабул қилиниб, мазкур қарор асосида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларидаги кўчаларда, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ушбу туман (шаҳар)лар марказлари чегараси ичидан ўтган қисмларида йўл чизиқларини чизиш, йўл белгилари ва кўрсаткичларини, светофорларни ўрнатиш, алмаштириш, сақлаш, демонтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларига имкон бераётган асл омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда автотранспорт воситалари сони ортиб бораётганлиги сабабли, келажакда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг янги замонавий тизимини яратишни талаб этилади. Шу боис, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, хусусий секторларни

⁵ Янгибаев А., Алимов М. йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297.

⁶ <https://lex.uz/uz/docs/6136750>



жалб этган холда ишларни ташкиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича узоқ муддатли стратегик режалар ва дастурларни ишлаб чиқиш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўзаро шартнома доирасидаги мажбуриятларни бажаришга интилиш ҳамда йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига эришиш учун тизимли ишларни ваколатли органлари ва соҳавий хизматлар ўртасида ҳамкорликда ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Умуман олганда хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши, мамлакатимиз аҳолиси ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этилишига, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари таъминлашига хизмат қилади.

Шунингдек, А.К. Янгибаев тўғри таъкидлаганидек, “Хавфсиз ва равон йўл” ҳамда “Йўл — пиёда учун” тамойилларини кенг жорий этиш орқали йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга, йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл қоидаларига риоя қилишларига, йўлларда содир этилиши мумкин бўлган турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин⁷.

Хулоса ўрнида профессор Дж.Х.Юлдашевни қуйидаги таклифларини қўллаб қувватлашни жоиз топдик чунки ушбу таклиф қонунчиликда ўз аксини топса амалиётдаги муаммоларни ечими бўлар эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКга тегишли ўзгартишлар киритиш асосида қуйидагича баён этиш лозим бўлади:

1) 32-модданинг биринчи қисми еттинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“6) ҳуқуқбузарликнинг алкоғолли мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин”.

2) 32-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“131-модда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан маст ҳолда ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади⁸.”

⁷ Янгибаев А., Алимов М. йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297.

⁷ <https://lex.uz/uz/docs/6136750>

⁸ Юлдашев Д.Х. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.



References:

1. Рашидов Ш. Йўл-транспорт ходисаларининг олдини олишнинг ижтимоий зарурати //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 31-34.
2. Жанабай Айтмуратов Йўл ҳаракати хавфсизлиги маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида // carjis. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/y-l-arakati-havfsizligi-mamuriy-u-u-iy-tartibga-solish-obekti-sifatida> (дата обращения: 16.05.2023).
3. Мирзиев.Ш,М. раислигида “Йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари”. <https://president.uz>.-Тошкент, 2022 й.
4. Раҳимов К. Самарали механизмни жорий этиш – долзарб вазифа. Qalqon / Щит. – 3(282)-son. – 2022-yil. – 15 bet.
5. Янгибаев А., Алимов М. йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297.
6. <https://lex.uz/uz/docs/6136750>
7. Юлдашев Д.Х. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.